

## **БОШЛАНГИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ФАНЛАРНИ ЎЗЛАШТИРИШДА ХАЛҚАРО БАҲОЛАШ ДАСТУРЛАРИ ( ПИРЛС ВА ТИМСС) ЛАРНИНГ ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ ЎРНИ**

Норқобилова Феруза Норсайтовна

### **Аннотатсия:**

Ушбу мақолада халқаро баҳолаш дастурлари ,юртимизда таълим соҳасидаги узгаришлар, ПИРЛС ва ТИМСС хақида маълумот, бошланғич синф ўқувчиларининг фанларни ўзлаштиришда халқаро баҳолаш дастурлари ларнинг таълим сифатини таъминлашдаги ўрни тугрисида маълумот берилган.

**Калит сўзлар:** Таълим, сифат, назорат, бошланғич таълим, уқиб тушуниш ,математика, табиий фанлар

Сўнгги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар натижасида улкан иқтисодий ўсиш кўрсаткичларига эришилаётганлиги барча соҳаларда малакали кадрлар ва етук мутахассиларга бўлган талабни янада оширмоқда. Бу ўз-ўзидан ўқувчиларимизнинг дарсларга қизиқиш хусусиятини ошириш ва ўқитувчиларнинг ҳар томонлама таълим- тарбияга эътиборини кучайтиришни талаб этади.

Юқоридаги талабларнинг таълим тизими учун жуда муҳим эканлиги, аксарият хорижий давлатлардаги каби таълим ва фан соҳалари ривожланишини баҳолаш ва мониторинг қилиш орқали таълим сифатини оширишга қаратилган илғор тажрибаларни соҳага жалб қилиш кераклигини англатади. Таълим сифати ва самарадорлигини ошириш йўлида хорижий илғор тажрибаларни ўрганиш, халқаро стандартлар талабларининг жорий этилиши муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Халқ таълими тизимида таълим сифатини баҳолаш соҳасидаги халқаро тадқиқотларни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида ПИРЛС, ТИМСС, ПИСА ва ТАЛИС халқаро тадқиқотларини Ўзбекистонда жорий этилиши белгилаб қўйилган бўлиб, мазкур тадқиқотларни жорий этиш мақсадида Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси ҳузурида Таълим сифатини баҳолаш бўйича халқаро тадқиқотларни амалга ошириш миллий маркази ташкил этилган. Мазкур халқаро баҳолаш дастурлари ва улар доирасидаги тадқиқотлар Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ОЭСД) Таълим соҳасидаги ютуқларни баҳолаш халқаро ассотсиатсияси (ИЭА) томонидан муайян даврийлик асосида дунё мамлакатлари билан ҳамкорликда ташкил этилади.

Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси билан ОЭСД ҳамда ИЭА ташкилотлари ўртасида имзоланган келишув ҳужжатларига биноан Ўзбекистон Халқаро ўқувчиларни баҳолаш ПИСА-2022 (аввалги ПИСА-2021) ҳамда

Ўқувчиларнинг матнни ўқиб тушуниш даражасини баҳолаш халқаро дастури ПИРЛС-2021 да иштирок этишга киришилган.

Эндиликда, ТИМСС-2023 халқаро дастурида қатнашишга киришилди. Бу борада ИЭА ташкилотининг “Халқаро математик ва илмий тадқиқотлар (ТИМСС) 2023 тенденцияларида қатнашиш учун расмий таклифи”га мувофиқ Ўзбекистоннинг ТИМСС дастурида илк маротаба қатнашиши масаласида Таълим инспекцияси хузуридаги Таълим сифатини баҳолаш бўйича халқаро тадқиқотларни амалга ошириш миллий маркази ўртасида олиб борилган мулоқотлар асосида ИЭА раҳбариятининг дастлабки розилигига эришилди.

ИЭА раҳбарияти Ўзбекистоннинг ушбу тадқиқотда қатнашишидан мамнун эканлигини айтиб, Ўзбекистоннинг таълим шароитига ТИМССнинг қайси тури мос келиши ҳақида маслаҳатлар берди. Бундан ташқари, ИЭА 2021-йил февраль ойида Германиянинг Гамбург шаҳрида ўтказилиши режалаштирилаётган миллий тадқиқот координаторларининг биринчи йиғилишига таклиф қилди ва Бостон коллежи мутахассислари билан турли хил баҳолаш модельларини муҳокама қилиш, тадқиқотлар йўналишларининг афзаллик ва камчиликлари ҳақида муҳокамалар олиб бориш учун қулай имконият яратиб берилиши ҳақида маълум қилди. Шу ўринда ПИРЛС ва ТИМСС баҳолаш дастурларига тўхталиб ўтишни жоиз деб топдик.

ПИРЛС – инглиз тилидаги Прогрессин интернационал рединг анд литерасй студй сузларидан олинган булиб, уқувчиларнинг уқиб тушуниш даражасини баҳолашга мулжалланган халқаро тадқиқот дастуридир. Мазкур дастур ИЭА томонидан ҳар 5 йилда бир маротаба амалга оширилиб, унда ПИСАдан фарқли равишда бошлангич таълимдаги 4-синф уқувчиларининг бадий тажриба орттириш, ахборот олиш ва ундан фойдаланиш куникмалари баҳоланади. Ушбу халқаро дастур боланинг мустақил инсон сифатида ривожланишида катта аҳамият касб этиб, бошлангич таълимда таҳсил олаётган уқувчиларнинг уқиб тушуниш куникмаларини халқаро миқёсда баҳолайди.

ПИРЛС дастурида асосий этибор 4-синф уқувчиларига қаратилади, бунинг боиси, ушбу ривожланиш даврида уқувчилар уқиш куникмасини ҳосил қилган болиб, энди бу куникмадан бошқа фанларни урганишда фойдаланаётган булади.

ТИМСС – инглиз тилидаги Трендс ин Интернационал Матҳематисс анд Ссиэнсе Студй сузларидан олинган булиб, умумий урта таълимдаги математика ва табиий фанлардан таълим сифатини баҳолашга мулжалланган халқаро тадқиқот дастуридир. ТИМСС ҳам ИЭА томонидан жорий этиладиган ПИРЛС билан ҳамнафас келадиган дастур булиб, унда 4-, 8-синф уқувчиларининг математика ва табиий фанлар буйича билимлари ва саводхонликлари ҳар 4 йилда бир маротаба халқаро даражада баҳоланади. Шунингдек, 2015-йилга қадар битирувчи синф уқувчилари ҳам тадқиқотларда иштирок этган. Ушбу дастур уқувчиларнинг, асосан, фундаментал билимларини ва мантиқий фикрлашини аниқлашга қаратилади.ТИМСС дастури ўзининг биринчи тадқиқотини 1995-йилда

бошлаган бўлиб, 2019-йилга қадар ҳар тўрт йилда 1999, 2003, 2007, 2011, 2015 ва 2019-йилларда ташкил этиб келинди. Навбатдаги 8-даврийлик 2023-йилда амалга оширилиши режалаштирилган.

Дастурда қатнашаётган давлатлар сони ҳам тобора ортиб бормоқда, буни 2015-йилдаги ТИМСС тадқиқотида 57 та мамлакат қатнашган бўлса, 2019-йилда бу кўрсаткич ортиб, 60 дан ортиқ давлатни ташкил этганида ҳам кўриш мумкин. ТИМСС 2015 тадқиқот натижаларига кўра, АҚШ, Сингапур, Гонконг, Корея Республикаси, Япония, Россия, Буюк Британия каби давлатларнинг таълим тизими энг юқори кўрсаткичларни эгаллаган.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, ўқувчини халқаро баҳолаш даражасини белгиловчи ТИМСС ва ПИРЛС га тайёрлашда уқиш дарси жараёнида дарсликда берилган ҳар бир матн юзасидан ўқувчи узи мустақил равишда ушбу матндан келиб чиқиб саволлар тузиш вазифаси қуйилса, ҳар бир боланинг берилган матнни қай даражада ушлаштирганлигини унинг тузган саволлари орқали билиб олиш мумкин. Бунда ўқувчининг дунёқараши, мустақил фикрлаши ва образли тафаккури ҳар бир дарс давомида ривожлантирилиб борилади. Дарс жараёнида бола тугри ёки нотугри фикрини тинглаб, тугри хулосани ҳаётий фактлар орқали чиқаришга урганиб боради.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. “Халқаро тадқиқотларда иштирок этиш – инсон капиталини ривожлантириш омилдир” мавзусидаги халқаро вебинар. Сидорова Галина Александровна, Россия таълим академиясининг таълимни ривожлантириш стратегияси институти, таълим сифатини баҳолаш марказининг катта илмий ходими, педогогика фанлари номзоди.  
э-маил: [centeroko@mail.ru](mailto:centeroko@mail.ru) Веб-сайт [www.centeroko.ru](http://www.centeroko.ru)
2. “ ПИРЛС 2021 халқаро солиштирма тадқиқоти доирасида уқиш саводхонлигини шакллантиришнинг узига хос хусусиятлари” номли тақдимот. Кузнетсова Марина Ивановна, Россия таълим академияси Таълимни ривожлантириш стратегиялари институти Бошлангич таълим маркази етакчи илмий ходими. э-маил: [centeroko@mail.ru](mailto:centeroko@mail.ru)  
Веб-сайт [www.centeroko.ru](http://www.centeroko.ru)
3. Таълим инспекцияси ҳузуридаги Таълим сифатини баҳолаш буйича халқаро тадқиқотларни амалга ошириш миллий маркази сайтлари. Э-маил: [markaz@tdi.uz](mailto:markaz@tdi.uz) Веб-сайт: